

**НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

**ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ГАИПОВ ДИЛШОД ЖУМАБЕКОВИЧ

**ЭВРИСТИК МЕТОД ЁРДАМИДА БОШЛАНҒИЧ СИНОФ
ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ЎҚУВ ФАОЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ
МЕХАНИЗМЛАРИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус – 2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Гаипов Дилшод Жумабекович

Эвристик метод ёрдамида бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув фаоллигини таъминлаш механизмлари 5

Гаипов Дилшод Жумабекович

Механизмы обеспечения учебной активности учащихся начальных классов с помощью эвристического метода 24

Gaipov Dilshod Jumabekovich

Mechanisms for ensuring the learning activity of primary school pupils using the heuristic method 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of publication 48

**НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

**ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ГАИПОВ ДИЛШОД ЖУМАБЕКОВИЧ

**ЭВРИСТИК МЕТОД ЁРДАМИДА БОШЛАНҒИЧ СИНФ
ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ЎҚУВ ФАОЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ
МЕХАНИЗМЛАРИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/Ped1251 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.ndpi.uz) ҳамда «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Сафарова Рохат Гайбиллаевна
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Юзликаев Фарит Рафаилович
педагогика фанлари доктори, профессор

Абдимуратов Парахат Сейтмуратович
педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Урганч давлат университети

Диссертация ҳимояси Нукус давлат педагогика институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «11» 11 соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 230105, Нукус шаҳри, П.Сейтов кўчаси рақамсиз уй.) Тел.: (99861) 229-40-75; факс: (99861) 229-40-75; e-mail: nkspi_info@edu.uz

Диссертация билан Нукус давлат педагогика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (28 - рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 230105, Нукус шаҳри, П.Сейтов кўчаси рақамсиз уй. Тел.: (99861) 229-40-75; факс: (99861) 229-40-75.

Диссертация автореферати 2021 йил «29» 11 куни тарқатилди.

(2021 йил «29» 11 да 28 рақамли реестр баённомаси).



Б.П. Отемуратов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., доцент

З.К. Курбаниязова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доцент

Т.Т. Утебаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, п.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида илмий-техникавий соҳаларда олиб борилаётган глобал ўзгаришлар таълим тизимини фаол ижодий билиш субъекти сифатида ўқувчиларни атроф-муҳит ва социумга самарали уйғунлашуви нуқтаи назаридан такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Европа Кенгашининг Берндаги “Европа учун таянч компетенциялар” (Key competencies for Europe) халқаро симпозиумида таълим олувчиларнинг “аниқ вазиятларда эвристик фикрлаш, мулоқот ва ёзма кўникмалардан самарали фойдаланиш, ахборотларга танқидий ишлов бериш ҳамда янги ахборотлар муҳитини ривожлантириш” каби муҳим компетенциялар гуруҳи қабул қилинган. Айни вақтда замонавий дидактика тамойилларига асосланган эвристик методлар ёрдамида ўқувчиларда ижодий изланувчиликка хос сифатларни шакллантириш йўллари аниқлашга қаратилган илмий изланишлар амалга оширилмоқда. Шунинг учун эвристик методлар ёрдамида бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув фаоллигини ривожлантириш борасидаги муаммоларга амалий ечим топиш долзарблигича қолмоқда.

Дунёда таълим олувчиларнинг ўқув-билиш фаоллигини изланишли-ижодий усуллар орқали ривожлантириш, когнитив компетенциялар тизимини кўргазмали-образли ресурслар орқали таркиб топтиришга доир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бунда бошланғич таълимнинг болалар ривожланишига йўналтирилган таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишга алоҳида эътибор берилиб, кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ёш ва психофизиологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларда ўқув фаоллигини таркиб топтириш муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, ўқувчиларда креатив компетенцияларни шакллантиришнинг интерактив дастурий воситаларини ишлаб чиқиш, изланишли фаолиятга кенг жалб этиш орқали ижтимоий фаоллигини ошириш механизмларини такомиллаштириш, шахсий ва ўқув фаолиятига доир лаёқатини жадал ривожлантириш орқали интеллектуал салоҳиятини оширишнинг дидактик имкониятларини аниқлаштириш муҳим долзарблик касб этади.

Республикамызда ўқув жараёнини имкон қадар илмий, маҳсулдор шароитларга яқинлаштирувчи ишчан ўйинлар билан бойитиш, эвристик саволлар ва ўйинлар асосида мусобақа вазиятларини ташкил этиш учун шарт-шароитлар яратиш ва пировардида бошланғич синф ўқувчилари эгаллаши лозим бўлган ўқув фаоллиги кўникмалари, компетенцияларнинг тизимли ва изчил характерга эга бўлишига ҳамда уларнинг мустақиллигини барқарорлаштиришга хизмат қилишига катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш»¹ каби муҳим вазифалар белгиланган. Бу эса эвристик методлар

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 йил, 6-сон, 70-модда.

ёрдамида бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув фаоллигини таъминлаш, уларда мустақил фикрлаш кўникмаларини ривожлантириш механизмларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ-637-сон “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси” тўғрисидаги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сонли “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сон “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришд инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти ФЗ-2016-0909111822 “Дарсликлар ва ўқув адабиётлари мазмунига Шарқ педагогик тафаккури дурдоналарини сингдириш орқали ўқувчиларда “оммавий маданият”га қарши курашчанлик кўникмаларини шакллантириш механизмлари” (2017–2020 йй.) фундаментал тадқиқот лойиҳаси доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамизда бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув фаоллигини таъминлаш муаммолари Б.Адизов, Н.Дилова, Р.Ибрагимов, М.Махмудов, Г.Нажмиддинова, Х.Назарова, Р.Нуржанова, Ф.Кўчқорова, Р.Сафарова, Г.Хасанова; ўқувчиларнинг билиш фаолиятларини ривожлантиришда мустақил фикрлаш, ижтимоий фаоллик кўникмаларини шакллантиришнинг педагогик асослари Г.Ибрагимова, Б.Маъмуров, Х.Тожибоева, Н.Тошева, З.Холматова; муаммонинг психологик жиҳатлари эса М.Давлетшин, В.Каримова, З.Нишонова, Р.Суннатова, Э.Ғозиевлар томонидан тадқиқ этилган.

Эвристик метод ёрдамида ўқувчиларда ижодий изланувчиликка хос сифатларни шакллантириш йўллари ва педагогик-психологик имкониятлари Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатлари олимларидан

В.И.Андреев, Г.А.Андрианова, И.В.Аксенова, Г.Армстронг, С.С.Бакулевская, Т.А.Батяева, Н.В.Бугорская, Г.Я.Буш, И.А.Валеева, В.Н.Воронин, Р.Ф.Галиахметова, М.Н.Ерохина, П.Ф.Каптерев, А.В.Качалов, А.Д.Король, О.О.Макарычева, Н.В.Матецкий, В.Н.Соколов, Е.В.Шерстова, А.В.Хуторскойлар томонидан ўрганилган.

Шахс ўқув фаоллигини таъминлашга йўналтирилган педагогик жараённинг методик жиҳатлари хорижлик олимлардан А.Giddens, А.Hargreaves, Н.D.Schmidt, R.Sears, Jantine L.Spilt, G.Wegner, Н.Widdelларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган.

Бошланғич таълимда эвристик фаолиятни ташкил этиш орқали ўқувчиларнинг ўқув фаоллигини таъминлашнинг дидактик жиҳатлари, мазкур жараён самарадорлигини оширишга доир омиллар, ўқув фаоллигини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари, эвристик таълим асосида ўқувчиларнинг ўқув фаоллигини таъминлаш модели ҳамда уни амалга оширишнинг ташкилий-педагогик механизмлари махсус тадқиқ этилмаган. Бу эса, мазкур йўналишга доир махсус тадқиқот олиб боришни тақозо этди.

Тадқиқотнинг мақсади эвристик ўқитиш метод ва усуллари орқали бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув фаоллигини таъминлаш механизмларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув фаоллигини таъминлашнинг психологик-педагогик хусусиятлари ва омилларини аниқлаштириш;

эвристик таълимга устуворлик бериш асосида ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаоллигини ривожлантириш моделини такомиллаштириш;

эвристик топшириқлар ва машқлар асосида бошланғич таълимда ўқитиш самарадорлигини ошириш йўллари ишлаб чиқиш;

эвристик усуллар орқали бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув-билиш фаоллигини ривожлантиришнинг ташкилий-педагогик механизмини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида эвристик метод ва усуллар орқали бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув-билиш фаоллигини таъминлаш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига 126 нафар бошланғич синф ўқитувчилари ва 1062 нафар бошланғич синф ўқувчилари иштирок этди.

Тадқиқотнинг предметини эвристик топшириқлар ва машқлар ёрдамида бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув фаоллигини таъминлашга йўналтирилган педагогик жараённинг мазмуни, усуллари, методлари ва механизмлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда ижтимоий сўров, анкета, суҳбат, савол-жавоб, кузатиш, аналитик обзор, таҳлил, педагогик эксперимент, математик статистика, умумлаштириш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув фаоллигини таъминлашнинг педагогик хусусиятлари ва продуктоген омиллари когнитив фаолиятнинг ҳиссий-эмоционал, мотивацион, иродавий таркибий асосларини қийинчилик даражасига кўра мураккаблашиб боровчи ўқув масалаларига самарали ечим

топиш имконини берувчи эвристик педагогика воситасида ахборотларни тўлиқ ва тўғри ўзлаштиришнинг дидактик имкониятини кенгайтириш орқали аниқлаштирилган;

эвристик таълимга устуворлик бериш асосида ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаоллигини ривожлантириш моделининг амалий компоненти синов ва хатолик, оммавий ақлий хужум, таянч саволлар, кўпўлчовли тасаввур, мурожаат, ўхшашликни аниқлаш, муқобилини топиш, эркин умумлашмалар қилиш, мақсадлар дарахти, эксперт баҳолаш каби методларни ижодий жараённинг динамиклигини ҳисобга олиш асосида қўллаш орқали такомиллаштирилган;

эвристик топшириқлар ва машқлар асосида бошланғич таълимда ўқитиш самарадорлигини оширишга йўналтирилган дидактик жараённинг алгоритмик босқичлари ўқитиш жараёнида изланишли фаолиятни акс эттирувчи бирламчи интерфаол шакли тарзида монологик ва диалогик мулоқотнинг билиш фаолияти тури сифатида башоратлаш билан қайта алоқага киришув даражаси интенсивлигини ҳисобга олиш асосида такомиллаштирилган;

эвристик усуллар орқали бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув-билиш фаоллигини ривожлантиришнинг ташкилий-педагогик механизми таълим мазмунини бола ақлий ривожининг ҳаққоний даражасига асосланган вертикал, шахсда ижодий сифатларнинг шаклланганлигини кўрсатиб берувчи горизонтал асосда узвийлигини таъминлаш орқали таълим олувчиларни рақобат муҳитига асосланган креатив фаолиятга фаол жалб этишнинг муқобил усуллари ишлаб чиқиш орқали такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бошланғич таълимда эвристик ўқитиш жараёнини амалга оширишга доир дидактик материаллар тўплами ишлаб чиқилган;

ўқувчиларнинг ўз-ўзини ва ижодий ривожлантиришга доир эвристик йўналтирилган педагогика бўйича эвристик усуллар тизимлаштирилган;

ўқувчиларнинг ижодий салоҳиятини оширишга йўналтирилган эвристик таълимнинг яхлит тизимини ишлаб чиқиш имконини берувчи ўқув материалларини танлаш мезонлари ишлаб чиқилган;

бошланғич синф ўқувчиларининг эвристик фаолиятини ташкил этишга доир дарс ишланмалари яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги бошланғич таълим жараёнларини самарали ташкил этишга доир методологик тамойиллар ва услубларнинг қўлланилганлиги, ахборотларнинг тўғрилиги ва тўлиқлиги, маълумотларнинг илмий-педагогик манбаларга таянган ҳолда таҳлил этилганлиги, тажриба-синов натижаларининг миқдор ва сифат жиҳатдан холис таҳлил этилганлиги, олинган натижаларга математик ишлов бериш орқали самарадорликнинг аниқланганлиги, тадқиқот натижаларининг таълим амалиётига жорий этилганлиги ҳамда ваколатли органлар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бошланғич таълимда эвристик ўқитиш жараёнларини ташкил этишнинг педагогик хусусиятлари ва продуктоген

омилларининг аниқлаштирилганлиги, когнитив фаолиятнинг ҳиссий-эмоционал, мотивацион, иродавий таркибий асосларини қийинчилик даражасига кўра мураккаблашиб боровчи ўқув масалаларига самарали ечим топиш имконини берувчи эвристик педагогика билан интеграциясини таъминлашнинг дидактик имкониятларининг очиб берилганлиги, интегратив ёндашув асосида ўқувчиларнинг эвристик фаолиятини ташкил этиш мазмунини белгилаш тамойиллари ва мезонларининг аниқлаштирилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эвристик таълимга устуворлик бериш асосида ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаоллигини ривожлантириш моделининг такомиллаштирилганлиги, синов ва хатолик, оммавий ақлий ҳужум, таянч саволлар, кўпўлчовли тасаввур, мурожаат, ўхшашликни аниқлаш, муқобилини топиш, эркин умумлашмалар қилиш, мақсадлар дарахти, эксперт баҳолаш каби методларни ижодий жараённинг динамиклигини ҳисобга олиш асосида қўллаш усулларининг ишлаб чиқилганлиги, эвристик усуллар орқали бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув-билиш фаоллигини ривожлантиришнинг ташкилий-педагогик механизмининг такомиллаштирилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Эвристик метод ёрдамида бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув фаоллигини таъминлаш механизмлари бўйича тадқиқот натижалари асосида:

бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув фаоллигини таъминлашнинг педогогик хусусиятлари ва продуктоген омилларини когнитив фаолиятнинг ҳиссий-эмоционал, мотивацион, иродавий таркибий асосларини қийинчилик даражасига кўра мураккаблашиб боровчи ўқув масалаларига самарали ечим топиш имконини берувчи эвристик педагогика воситасида ахборотларни тўлиқ ва тўғри ўзлаштиришнинг дидактик имкониятини кенгайтириш орқали аниқлаштиришга доир таклиф ва тавсиялардан “Тарбия” фани Давлат таълим стандартини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Республика таълим марказининг 2021 йил 21 июндаги 01/11-03/03-852-сон маълумотномаси). Натижада, “Тарбия” фанини ўқитиш жараёнида бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий-изланишли ўқув фаолияти самарадорлигини оширишга эришилган;

эвристик таълимга устуворлик бериш асосида ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаоллигини ривожлантириш модели, эвристик топшириқлар ва машқлар асосида бошланғич таълимда ўқитиш самарадорлигини оширишга йўналтирилган дидактик жараённинг алгоритмик босқичларини ўқитиш жараёнида изланишли фаолиятни акс эттирувчи бирламчи интерфаол шакли тарзида монологик ва диалогик мулоқотнинг билиш фаолияти тури сифатида башоратлаш билан қайта алоқага киришув даражаси интенсивлигини ҳисобга олиш асосида такомиллаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан ФЗ-2016-090911822-рақамли “Дарслик ва ўқув адабиётлари мазмунига Шарқ педагогик тафаккури дурдоналарини сингдириш орқали ўқувчиларда оммавий маданиятга қарши курашчанлик кўникмаларини шакллантириш механизмлари” (2017-2020 йй.) фундаментал лойиҳасини ишлаб чиқишда

фойдаланилган (Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтининг 2021 йил 13 апрелдаги 01/15-09/73-сон маълумотномаси). Натижада, бошланғич синфлар учун янги авлод дарсликларини яратишда эвристик таълим асосида ўқув материалларини тизимлаштириш самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

эвристик усуллар орқали бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув-билиш фаоллигини ривожлантиришнинг ташкилий-педагогик механизмини таълим мазмунини бола ақлий ривожининг ҳаққоний даражасига асосланган вертикал, шахсда ижодий сифатларнинг шаклланганлигини кўрсатиб берувчи горизонтал асосда узвийлигини таъминлаш орқали таълим олувчиларни рақобат муҳитига асосланган креатив фаолиятга фаол жалб этишнинг муқобил усулларини ишлаб чиқиш орқали такомиллаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан ПЗ-2014-0903160552-рақамли “Умумий ўрта таълим мактабларида модулли ўқитиш жараёнини технологик таъминлаш механизмлари” (2015-2017 йй.) фундаментал лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтининг 2021 йил 11 февралдаги 01/15-09/27-сон маълумотномаси). Натижада, бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув-билиш фаоллигини оширишнинг дарс ва дарсдан ташқари шакллари интеграциясини таъминлашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 120 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Эвристик метод ёрдамида бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув фаоллигини таъминлашнинг назарий-эмпирик асослари”** номли биринчи бобида эвристик метод ёрдамида бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув фаоллигини таъминлаш ижтимоий-дидактик зарурият

сифатида асосланган ва эвристик метод ёрдамида бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув фаоллигини таъминлашнинг педагогик-психологик имкониятлари ёритилган.

“Эвристика” – грекча сўз бўлиб, “излайман”, “топаман”, “очдим” маъноларини беради. Эвристик метод педагогикада ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятини ривожлантирувчи, уларда мақсадга йўналтирилган, сермахсул ўқув-билув ҳаракатларини таркиб топтирувчи метод сифатида алоҳида аҳамиятга эга. Эвристик метод инновацион, универсал метод ҳисобланади. У эвристик саволлар, топшириқлар, машқлар шаклида намоён бўлади. Эвристик метод билан дастлаб, философ, грек математиги Папп Александрийский, кейинчалик француз философ ва математиги Рене Декартлар шуғулланиб, уни универсал метод сифатида баҳолаганлар

Г.А.Андрианова, А.В.Хуторской, Г.М.Кулешовалар ўз ишларида эвристик методнинг қуйидаги имкониятларини очиб берганлар: билимлар ва ҳаракат усулларини мустақил ўзлаштириш; ижодий тафаккурни ривожлантириш; анъанавий вазиятларга янги муаммоларни киритиш; ўрганилаётган муаммонинг янги белгиларини киритиш; фаолиятнинг маълум ва янги усулларини шакллантириш ва қайта шакллантириш; ақлий сифатлар, фикрлаш кўникмаларини ривожлантириш, билиш кўникмаларини шакллантириш; ўқувчиларни тўғридан-тўғри фаол билиш ва мулоқотга ўргатиш; ўқиш ва ютуқларга эришиш майлларини ривожлантириш кабилар.

Эвристик методдан фойдаланиш жараёнида ўқитувчилар муайян принципларга таянишлари лозим: ўқувчиларни ўзларининг шахсий мақсадлари сари йўналтириш принципи; индивидуал таълим траекториясини танлаш принципи; таълим мазмунининг предметлараро асослари принципи; ўқув жараёнининг махсулдорлигини таъминлаш принципи; ўқувчилар таълимий махсулотларининг бирламчилиги принципи; ўқув жараёнининг вазиятли ёндашувга асосланганлиги принципи; таълимий рефлексияга асосланиш принципи.

Эвристик характердаги машғулотлар сирасига: эвристик дарслар, олимпиадалар, юкламалар, ишчан ўйинлар, турли давра суҳбатлари, ўқитишнинг интерфаол шакллари, ижодий характердаги машғулотлар, баҳс-мунозараларни киритиш мумкин. Эвристик шаклдаги машғулотлар ўзида ўзаро мувофиқ келадиган ўқитиш методларини мужассамлаштиради. Ўқитишнинг эвристик методларига хос бўлган бир қатор хусусиятлар мавжуд.

Ўқитишнинг эвристик методлари ўқитувчига ўқувчиларни имкон қадар мустақил, ижодий изланишга ундаш имконини беради. Ўқитувчи эвристик метод ёрдамида ўқувчиларнинг ўқув фаоллигини таъминлашда қуйидагиларга эътибор қаратиши лозим. Булар: 1) синфдаги ўқувчилар жамоасининг умумий ривожланиш даражасини ҳисобга олиши; 2) бошланғич синф ўқувчиларининг шахсий хусусиятларига эътибор қаратиши; 3) ўқув предметининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда эвристик топшириқларни танлаши.

Бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий лаёқатларини самарали ривожлантириш учун ўқитувчи муайян шароитларни ҳам яратиши керак. Жумладан: а) ўқувчиларда ижобий ўқув майлларини ҳосил қилиши; б) ўқув

предметига нисбатан ўқувчиларда қизиқиш уйғота олиши; в) ўқувчиларнинг ўқув фаоллигини намоён қилишларини рағбатлантириши; г) ўқувчилар жамоаси орасида ижобий муҳит ярата олиши; д) ўқувчиларнинг кучли ҳис-туйғуларини аниқ мақсад сари йўналтира олиши кабилар.

Ўқитувчиларнинг муҳим вазифалари сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин: а) ўқувчиларнинг ўқув предметига оид билим захираларини мунтазам бойитиш; б) ўқувчиларда умумўқув кўникмалар, малакалар ҳамда таянч ва фанга оид компетенциялар ҳосил қилиш; в) ўқувчиларнинг ижодий мустақилликларини ривожлантириш; г) ижодкор шахсни шакллантириш кабилар.

Эвристик ўқитиш методлари таснифини асослаш мақсадида таниқли мутахассис А.В.Хуторский эвристик таълимий фаолиятнинг асосий кўринишларини назарда тутган. Шунга кўра, у эвристик ўқитиш методларини қуйидаги гуруҳларга ажратди. Улар: ташкилий-фаолиятли ўқитиш методлари; когнитив ўқитиш методлари; креатив ўқитиш методлари.

Эвристик технологияларнинг самарадорлиги ўқувчининг муаммоларни кўра олиши, ечимларнинг ностандарт усулларини таклиф этиши, турли нуқтаи назардан ёндашган ҳолда номаълум нарсаларни кашф эта олиш кўникмасига эга бўлишида ифодаланади. Ушбу жараёнда улар ўз синфдошлари ва ўқитувчиларнинг нуқтаи назарларини тушунишга муваффақ бўладилар. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, ўқувчининг эвристик фаолияти таркиби кўплаб компонентларни ўз ичига олади. Ҳар қандай фаолият унинг таркибий қисми сифатида намоён бўлиши мумкин. Бундай фаолият натижасида ўқувчи учун янги бўлган таълимий маҳсулот вужудга келиши керак.

Шунга кўра эвристик фаолият ўз таркибига қуйидагиларни мужассамлаштиради: ижодий ҳаракатлар ва жараёнлар; ижодий ҳаракат ва жараёнга қадар мавжуд бўлган ҳаракатлар; эвристик вазиятларнинг ечими тақозо қилган ижодий характерга эга бўлмаган ҳаракатлар ва жараёнлар.

Эвристик таълимий фаолият ўзининг аниқ мазмуни ва таркибий қисмларига эга. Биз қуйида улар ҳақида тўхталишга ҳаракат қиламиз. Ўқитувчи ўқувчиларнинг эвристик фаолиятларини ташкил этиш жараёнини лойиҳалаштиришда бир қатор ҳолатларга эътибор қаратиши лозим: эвристик фаолиятни амалга ошириш эҳтиёжи ва уни амалга ошириш мотивлари; ташқи ва ички мақсадлар; фаолият дастури, фаолиятнинг ахборотли асослари ва дастурий таъминоти; қарорлар қабул қилиш жараёнида ўқувчиларнинг ўз-ўзини намоён қилиши; фаолият маҳсули; фаолият муҳим шахсий сифат эканлиги.

Ўқувчилар таълимий фаолияти мотивларининг асосий манбаи уларнинг ўз-ўзларини намоён қилишларига бўлган эҳтиёж ҳисобланади. Ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятлари ўз-ўзини намоён қилишнинг асосий йўналишини ифодалайди. Уларнинг шахсий сифатлари, атроф-оламни билишлари, ўз-ўзини англаши, коммуникатив компетенциялари шулар жумласидандир.

Таълимий фаолият улар қизиққан барча йўналишларда ижодий маҳсулот яратиш имконини беради. Таълимий фаолиятнинг мақсади ташқи меъёрий ва ички субъектив кўрсаткичларга эга. Ташқи мақсадлар ўқитувчи томонидан турли кўриниш ва шаклларда ифодаланади. Масалан, Давлат таълим стандарти

талабларини бажаришга хизмат қиладиган билимларни тақдим этиш шаклида. Ички мақсадлар эса ўқувчиларнинг мустақил ёки ўқитувчи ёрдамида муайян ўқув предмети доирасида ўзлаштирган билимлари ва кўникмаларини намоён этишда ўз аксини топади. Ўқувчилар таълим жараёнида ўз маданий савияларини ривожлантиришга йўналтирилган ўқув топшириқларини бажарадилар. Таълимнинг ташқи ва ички мақсадлари ёрдамида ўқув меъёрлари шаклланади. Бу эса ўқув дастурини яратишга асос бўлади.

Эвристик ўқитишнинг кўрсатиб ўтилган таркибий қисмлари унинг ўзига хос белгиларини аниқлаш имконини берди: эвристик фаолият махсулининг ўқувчилар шахсий майллари, мақсадлари ва индивидуал сифатларига мувофиқлиги; эвристик фаолиятнинг белгиларидан яна бири ўқувчиларнинг ўз шахсий махсулотларини ярата олишларида намоён бўлиши; ўқувчилар эвристик фаолият жараёнида вужудга келган қийинчиликларни бартараф этишлари натижасида уларда муаммоларга ечим топиш ва қийинчиликларни бартараф этиш кўникмасининг шаклланиши.

Ўқувчилар эвристик характердаги ўқув фаолияти жараёнида қуйидагиларга эришадилар:

1) ўқувчилар ўзларининг шахсий ривожланиш даражаларини ифодалайдиган таълимий фаолият махсулини яратиши, бунда ички фаолият манбаининг мавжудлиги;

2) ўқувчиларнинг индивидуал таълим траекториясига эга бўлишлари ва ўзларининг фаолиятлари махсулини маданий-тарихий намуналар билан қиёслай олишлари;

3) ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини намоён қилиш имкониятига эга бўлган таълимий махсулотни ярата олишлари ва шу орқали шахсий таълимий имкониятларини намоён этишлари.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Эвристик метод ёрдамида бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув фаоллигини таъминлаш йўналишлари”** деб номланган бўлиб, мазкур бобда эвристик метод ёрдамида бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув фаоллигини таъминлашнинг мазмуни ва босқичлари таҳлил қилинган. Эвристик метод ёрдамида бошланғич синф ўқувчилари ўқув фаоллигини шакллантириш технологиялари ёритиб берилган. Эвристик методлар ёрдамида ўқувчиларда ижодий изланувчиликка хос сифатларни шакллантириш йўллари баён қилинган.

Ўқувчиларда ижодий тафаккурни ривожлантиришнинг бир қатор шарт-шароитлари мавжуд: изланиш характеридаги етакчи ҳолатларни аниқлаш; мавжуд қолиплардан қутулиш; топшириқларга нисбатан қизиқишларни барқарорлаштириш; асосий ўқув натижаларининг махсулдорлигига эришиш; муаммоларни чизмалар шаклида ифодалаш.

Эвристик фаолиятни ривожлантириш жараёнида креатив тафаккурни шакллантириш мақсадида қуйидаги усул ва методлардан фойдаланилади: муаммони ичига кириб бориш методи; эвристик кузатиш методи; эвристик тадқиқот методи; фаразларни илгари суриш методи; йириклаштириш, мақсадга йўналтириш ва режалаштириш методи; таълим олишни мустақил ташкил этиш методи; биргаликда ўқиш методи.

Эвристик ўқитиш жараёнида ечиладиган топшириқлар қуйидагиларда намоён бўлади: ўқувчиларни таҳлил, умумлаштириш, қиёслаш операцияларига жалб этиш орқали уларда эвристик тафаккур ривожлантирилади. Ўқувчиларнинг эвристик фаолияти биринчи навбатда уларда ижодий тафаккурни ривожлантиришга йўналтирилади. Эвристик методдан янги мавзунини ўзлаштириш, илгари эгалланган билимларни мустаҳкамлаш, қиёслаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш, фаолиятнинг янги турларини эгаллаш жараёнида фойдаланилади.

Эвристик топшириқлар дарсларнинг ўқувчилар учун қизиқарли бўлишини таъминлайди. Эвристик топшириқлар мазмунини танлашда асар қаҳрамонлари, тарихий шахслар, қизиқарли воқеалар, спортчиларнинг ҳаётий фаолиятини ифодаловчи лавҳалардан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бу ўқувчиларнинг онгида янги маълумотларнинг шаклланишига кўмаклашиб, уларда турли манбалар билан ишлаш истагини кучайтиради.

Эвристик фаолият технологиясининг назарий асослари қуйидагиларда намоён бўлади:


1) янги билимларнинг шаклланиши эвристик суҳбатлар маҳсули бўлиб, ўқувчиларнинг мустақил ишлари билан уйғунлаштирилиши лозим;

2) ўқитувчи режага мувофиқ тарзда муаммоли вазиятларни ҳосил қилади, ўқувчилар эса ушбу вазиятларни таҳлил қиладилар, ўз олдиларига муаммолар кўядилар, мазкур муаммоларга ечим излайдилар, ўз фаразларини илгари сурадилар ва уни исботлашга ҳаракат қиладилар;

3) ўқитувчи ўқувчиларга ўзлаштирган билимларини янги вазиятларда қўллай олганликлари, фаразларни илгари сура олишлари ва уни асослашлари, фаолиятнинг умумлашган усулларини ўзлаштирганликлари учун баҳо қўяди.


Эвристик методлардан фойдаланиш ҳам ўзига хос педагогик ҳодиса ҳисобланади: изланишга асосланган топшириқларнинг шартлари, муаммонинг умумий жиҳатларидан келиб чиққан ҳолда шакллантирилади; вақт тақсимотига асосланиб машғулотлар 2 қисмга ажратилади: фаразларни илгари суриш ва уларни таҳлил қилиш, баҳолаш; машғулотнинг дастлабки босқичида ҳеч қандай танқидга йўл қўйилмайди. Бундан кўзланган асосий мақсад ўқувчилардаги кўрқув ҳиссини бартараф этишдан иборат. Чунки ўқувчи чўчиганда, ундаги фикрлаш жараёни секинлашади; аклий ҳужум методи ёрдамида ўқувчилар бир неча фаразларни илгари сурадилар. Ўқитувчи исбот ва далил талаб қилмаган ҳолда барча фаразларни ёзиб олишга ўқувчиларни ундайди. Бу ўринда муҳим бир ҳолат ўқувчиларнинг ўзларини эркин ҳис қилишларидир; дарснинг иккинчи қисмида эса ўқувчилар ғояларни муҳокама қиладилар, уларнинг қимматли жиҳатларини ажратиб кўрсатадилар. Шу тариқа аҳамиятли бўлмаган ғоялар тушириб қолдирилади.

Тадқиқ этилаётган муаммонинг ечимини топиш даврида бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув фаоллигини таъминлашга йўналтирилган педагогик жараён модели ишлаб чиқилди (1-расмга қаранг).



1-расм. Бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув фаоллигини таъминлашга йўналтирилган педагогик жараён модели

Эвристик методлар когнитив методлар билан уйғун тарзда қўлланилади. Ўқитишнинг когнитив методлари ҳам эвристик топшириқлар каби ўқувчини мустақил ижодий фикрлаш, изланишга ундайди.



2-расм. Эвристик ўқитиш жараёнида бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув фаоллигини таъминлаш имконини берадиган методлар

Ўқувчиларнинг ижодий тафаккурлари ўқитувчи томонидан рағбатлантирилиши керак. Бунда улар 5 та принципга таяниши лозим. Улар: ноодатий саволларга нисбатан эътиборли муносабатда бўлиш; муайян, ноодатий ғояларга нисбатан ҳурмат билан қарашлари; ўқувчиларга ўз ғояларининг аҳамиятли эканлигини аниқлаш; ўқувчиларнинг мустақил билим олишларини рағбатлантириш; режалаштирилмаган амалий машғулотлар ва ўқув жараёни учун муайян вақт ажратиш.

Ўқитувчи таълим жараёнини шундай ташкил этиши керакки, мазкур жараён ўқувчиларнинг мустақил ижодий тафаккурини шакллантириш имкониятини яратиши лозим. Ижодий тафаккур қуйидаги ўзига хосликларга эга. Жумладан: ҳаракат усуллари кенг миқёсда қўллай олиш; зарур ҳолларда дастлаб қўлланган ечимларни амалга ошириш усулларидан воз кечиш; муаммоли вазиятларнинг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда ечимларни амалга ошириш усулларидан осонгина воз кечиш кабилар.

Синфдан ташқари педагогик жараёнлар эвристик топшириқлар тизимини ўқувчиларга тақдим этиш учун бир қадар қулай ҳисобланади. Бунда мустақил билим олиш вазиятлари, тўғарак машғулотлари, қўшимча машғулотлар алоҳида педагогик имкониятларга эга. Бундай машғулотларда ностандарт топшириқларни ечишга алоҳида вақт ажратиш, уларни тизимли тарзда ўқувчилар муҳокамасига хавола қилиш мумкин.

Мазкур топшириқлар биринчи навбатда компетенциявий ёндашувга асосланиб бошланғич синф ўқувчиларининг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда уларни ҳар томонлама ривожлантиришга хизмат қилиши мақсадга мувофиқ. Эвристик машғулотлар давомида ўқувчиларда фаол билиш ва мулоқот компетенциялари шакллантирилади. Натижада, ўқув, аффилиация, муваффақиятга эришиш мотивлари ҳосил бўлади. Бунинг учун бошланғич синф ўқитувчилари қўйидаги қоидаларга амал қилишлари керак: янги билимларнинг шаклланиши эвристик суҳбатлар жараёнида вужудга келиб, ўқувчиларнинг мустақил ишлари билан уйғунлаштирилишини; эвристик суҳбатлар давомида ўқувчилар олдига муаммоли саволлар қўйиш ва уларни билиш вазифалари билан интеграциялашни; ўқитувчи режали тарзда муаммоли вазиятларни ҳосил қилишни, ўқувчилар эса мазкур вазиятларда муаммоли саволларга жавоб излаш, ўз фаразларини илгари суриш, уни асослаш ва хулосалар чиқаришларини; ўқувчиларнинг илгари ўзлаштирган билимларини изланишларнинг турли босқичларида қўллай олишлари, фаразларни илгари суришлари, уни асослашлари ва янги фаолият усулларини ўзлаштирганликларини баҳолаш лозимлигини билиши кабилар.

“Эвристик метод ёрдамида бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув фаоллигини таъминлаш самарадорлиги” деб номланган учинчи бобда эвристик топшириқлар ва машқлар ёрдамида бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув фаоллигини таъминлашга йўналтирилган тажриба-синов ишларини ташкил этиш методикаси, эвристик метод ёрдамида бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув фаоллигини таъминлаш механизмлари самарадорлигининг статистик таҳлили хусусида фикр юритилган.

Биз юқорида кўрсатилган йўналишлар ва методлар асосида тажриба-синов ишларини 3 та ҳудудда Самарқанд, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси умумий ўрта таълим мактабларининг бошланғич синфларида уч босқичда ташкил этдик.

Дастлабки **таъкидловчи** тажриба-синов ишларида бошланғич синф ўқитувчиларининг эвристик ўқитиш, эвристик ўқитиш методлари, эвристик топшириқлар, уларнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақидаги билимларини анкета сўровлари ёрдамида аниқлашга интилдик. Кузатишларимиз шуни кўрсатдики, бугунги кунда бошланғич таълим жараёнида эвристик методлар ёрдамида ўқувчиларнинг ўқув фаоллигини таъминлаш, эвристик топшириқлардан фойдаланиш, ушбу йўналишда ўқувчиларнинг мустақил билим олишларини ташкил этиш соҳасида бир қатор бўшлиқлар мавжуд.

Шундан келиб чиққан ҳолда, тажриба-синов ишларининг иккинчи **шакллантирувчи** босқичида ўқувчиларда ўқув фаоллигини таъминлашга хизмат қиладиган эвристик методлар, эвристик характердаги топшириқлар, ўқув материаллари, ўқув вазиятлари, эвристик технологиялар ёрдамида бошланғич синф ўқувчиларида ўқув фаоллигини шакллантиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилди ва ўқув жараёнига тадбиқ этилди.

Тажриба-синов ишларининг учинчи **яқунловчи** босқичида эвристик ўқитиш методлари ёрдамида ўқувчиларнинг ўқув фаоллигини таъминлашга йўналтирилган методика тажриба-синовдан ўтказилиб, олинган натижаларга

математик-статистик ишлов берилди.

Тажриба-синов ишларида 126 нафар бошланғич синф ўқитувчилари ва 1062 нафар бошланғич синф ўқувчилари иштирок этдилар. Дастлаб тажриба ва назорат гуруҳлари шакллантирилиб, тажриба-синов методикаси асосида эвристик ўқитиш жараёни ташкил этилди. Олинган натижалар ўқувчиларда эвристик методлар ёрдамида ўқув фаоллигининг ва ўқитувчиларда эвристик ўқитиш маҳоратининг шаклланганлик даражалари алоҳида-алоҳида мезонлар ёрдамида аниқланди.

Олинган натижалар статистик таҳлил қилинди.

1-жадвал

Ўқитувчиларнинг эвристик ўқитиш методларидан фойдаланган ҳолда ўқув фаоллигини таркиб топтириш маҳоратининг шаклланганлик даражаси самарадорлигини аниқлаш кўрсаткичлари

№	Ўқитувчиларнинг билимларини аниқлаш мезонлари	Тажриба бошида $n_i = 64$			Тажриба якунида $m_j = 62$		
		Юқори	Ўрта	Паст	Юқори	Ўрта	Паст
1	Бошланғич синф ўқитувчилари эвристик ўқитишнинг педагогик имкониятларини билишлари	37	22	5	22	19	21
2	Эвристик ўқитиш методлари ва технологияларини тавсифлай олишлари	35	23	6	21	22	19
3	Эвристик ўқитишнинг мақсад ва вазифаларини билишлари	37	20	7	22	20	20
4	Эвристик машғулотлар ва вазиятларни лойиҳалаштира олишлари	36	23	5	21	18	23
5	Эвристик ўқитиш шаклларини билишлари	38	20	6	23	19	20
6	Эвристик ўқитишнинг ўқувчиларни фаоллаштира олувчи хусусиятларини тавсифлай олишлари	34	22	8	21	23	18
7	Эвристик ўқитиш жараёнида ўқувчиларда ўқув фаоллигининг шаклланганлик даражасини ташхислай олишлари	36	21	7	23	19	20
	Ж а м и:	253	151	44	141	140	153
	Ў р т а ч а с и:	36	22	6	20	20	22

Ўқувчиларда эвристик ўқув жараёнида фаолликнинг шаклланганлик даражаси самарадорлигини аниқлаш кўрсаткичлари

№	Ўқувчиларнинг билимларини ифодаловчи мезонлар	Тажриба гуруҳи $n_i = 532$			Назорат гуруҳи $m_j = 530$		
